

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADO LAT

Ўзбекистон «Адолат» сotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 31 (992) • 2014-yil, 8-avgust, juma

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш

суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишидир

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» сotsial-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини қуйи палатада куриб чиқиш учун қабул қилиш масаласи муҳокама этилди.

Қайд этилишича, Президентимизнинг тегишли Фармони (ПФ-4455)да корхона банкрот деб топилганда кредиторларнинг талабларини қондириш тартибига ўзгартириш киритиш назарда тутилган.

2 ➤

Зарҳал сатрлар-ла

безанган йиллар

➤ Ким эдигу ким бўлди!

Бугун ҳаётда, одамларнинг турмуш тарзи-ю ўй-фикрида юз бераётган ўзгаришлар шийдаати ҳар бир кишидан жамият ҳаёти учун фойдали, савобли ишдан четда турмасликни, ижтимоий-маърифий ҳаётда фаол, ҳаракатчан бўлишни тақозо этмоқда. Зеро, ҳаёт муттасил ўзгариб бормоқда. Янгиликлар, ўзгаришлар оқими ичида яшамоқдамиз. Оптимиздан истиқлол замонининг янги қадрият ва тамойиллари руҳида тарбияланган, замонавий билимларни кунт билан эгаллаётган, буюк аллома аждодларимиз меросидан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан, мустақил фикрли авлод келаётир. Бу авлоднинг ижтимоий-маънавий қиёфаси бундан йигирма уч йил аввалги ёшлар қиёфасидан мутлақо фарқ қилади. Бу — буюк истиқлол меваси, мустақиллик туфайли қўлга киритган энг катта ва муҳим ютуғимиз. Уларга ўрнак, намуна бўлмоғимизни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

5 ➤



Тараққиётнинг теран тамойиллари

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди алоҳида қайд этилганидек, мустақиллик йилларида эришилаётган ютуқларимизнинг асосий омили ва мезонини, аввало, халқимизнинг дунёқарашини, одамларимизнинг сиёсий онгини ва тафаккури ўзгартириб, фуқаролик фаоллигини тобора кучайтириб бораётгани билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотларнинг миллий концепцияси — тараққиётнинг “ўзбек модели” негизиди инсон ва унинг манфаатлари устувор қадрият сифатида белгилаб олинди, жамият ҳаётида кечган ўзгаришларнинг барчаси айнан мана шу эзгу мақсадга, яъни Ўзбекистон халқининг фаровон турмуши-

ни таъминлашга йўналтирилди.

Бу саъй-ҳаракатлар пировардида кишилик жамияти ўз олдига қўяётган Мингйиллик ривожланиш мақсадларидек эзгу дастурларнинг барча параметрларини қамраб олди ва эътиборли жиҳати, дастурнинг қатор йўналишлари бўйича Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторидан жой олди. Биргина

мисол, бугун дунёнинг катта қисмида аҳоли саводхонлиги глобал муаммо бўлиб турган бир пайтда, юртимиз бу борда қарийб юз фоизлик кўрсаткичи билан халқаро ҳам-жамиятга ўрнак бўлмоқда ва намуна сифатида кўрсатилмоқда.

2 ➤

Тараққиёт йўлида собит ҳамкор

➤ Банк тизими

Ҳар бир давлатнинг тарихида янги давр бошланишини белгилайдиган ёрқин саналар бўлади. Ўзбекистон учун 1991 йилнинг 1 сентябри — давлат мустақиллиги эълон қилинган кун ҳудди шундай ҳодиса, энг буюк ва қутлуғ сана ҳисобланади. Ушбу шоҳидона арафасида босиб ўтилган йиллар чўққисидан ортга боқиш ва амалга оширилган кенг

қўламли ислохотларни атрофлича таҳлил этиш, эришилган натижаларни сарҳисоб қилиб, келгуси режаларимизни белгилаб олиш яхши анъанага айланган. Зеро, мустақил тараққиёт йилларида республикамиз қўлга киритган ютуқларни сарҳисоб қилар эканмиз, уларнинг натижасидан кўнгилларимиз ифтихор ва ғурурга тўлади.

Тарихан қисқа, шу билан бирга асрларга тенг бўлган даврда жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳаларидаги каби банк тизимида ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида улкан ислохотлар амалга оширилди.

Натижада ўта қисқа даврда мустаҳкам асосга ва мукаммал инфраструктурага эга бўлган, барқарор ва ишончли фаолият юритувчи шундай банк тизими барпо этилдики, бугунги кунга келиб у иқтисодийта амалга оширилаёт-

ган янгилиниш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилишни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилиб, халқаро ҳамжамият эътирофига ҳам сазовор бўлган, беш тамойилга асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг “ўзбек модели” ушбу муваффақиятларимизнинг бош мезони бўлди.

4-5 ➤

Муҳим синовлар олдидан

партия фаолиятини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш лозим

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва нуфузи мустаҳкамланди. Ўз навбатида, Конституциямизга ҳамда сайлов қонунчилигига киритилган охириги ўзгаришлар сиёсий партиялар зиммасига қатор масъулиятли вазифаларни юкладики, бу айниқса, жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловлар олдидан ўзининг янада долзарблигини оширмоқда.

3 ➤

Ёш ихтирочимиз яратган антиқа соябон



Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган “Истеъод” клуби ҳозирги кунда иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг янги қирраларини очиш, махсус таълимни давом эттиришига кўмаклашиш, лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида фаолият олиб бормоқда.

Бунинг самараси ўлароқ ушбу клубга жалб этилган истеъод эгалари орасидан муқобил энергетика соҳасида изланишлар олиб бораётган ихтирочилар етишиб чиқаётгани эътиборга молик.

8 ➤

Бўлажак тадбиркорларга имтиёзли кредитлар

➤ Партиядошларимиз ибрати

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 2014 йилнинг апрель-август ойларида ҳудудларда аҳоли, тадбиркорлар ва ёшлар билан ўтказиладиган амалий учрашувлар режа жадвалига мувофиқ Фарғона шаҳар Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги драма театри залида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида амалий учрашув ташкил этилди. Учрашув доирасида хусусий тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар қўрғазмаси намоиши ҳам бўлиб ўтди.

2 ➤

Келгуси сонда: Ер билан тиллашиб



Жиноят қонунчилигини либераллаштириш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишидир

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Унга қўра, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғаримлар олдидаги талаблар билан кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳисобга олинган. Бундан қўзланган мақсад кредиторлар киритган маблағларни қайтариш кафолатини кучайтиришдан иборатдир. Қонун лойиҳаси ашу масалани ҳаётга татбиқ этишга қаратилган.

Қонуннинг 133-моддасига очик қимматли савдоларида гаровга қўйилган мол-мулк (гаров нарса) сотилмаган тақдирда, мазкур мол-мулк кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондиришга тақлиф этилиши киритилмоқда. Ушбу киритилган бандга қўра, агар гаровга қўйилган мол-мулк қиймати кредитор талабидан қимматроқ бўлса, ўртадаги тафовут мазкур мол-мулкни қабул қилаётган кредитор томонидан пул қўринишида қўлаб берилди.

Мавлуда Нишопова, фракция аъзоси:

— Қонуннинг 169-моддасида агар ҳўжалик суди томонидан сўғурталовчи банкрот деб топилган тақдирда, биринчи навбатда сўғурта қилдирувчиларнинг ҳаётини сўғурта қилиш соҳасидаги мажбурий сўғурта шартномалари бўйича талабларни қондиришни кўзда тутилган.

“Банкротлик тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгаришга мувофиқ фуқаролар ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар ҳам биринчи ўринда қопланиши белгилаб қўйилган. Бу қонунлигимизда инсонпарварлик таъминоти юқори қўйилганини аниқлади. Биз бундай ёндашувни тўғри, деб ҳисоблаймиз ва қўлаб-қувватлаймиз. Негаки, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловолди дастурида инсон манфаатларига олий кадрлар сифатида баҳо берилди, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўний манфаатларини ҳимоя қилиш партиядан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бoш йўналишига айланмиш лозимлиги белгиланган. Демак, қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар дастурий гоя ва мақсадларимизга мос келади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш ҳисобига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, креди-

торлар маблағларнинг қайтарилиши кафолатини кучайтиради. Фракция йиғилишида қонун лойиҳасини такомиллаштиришда партия дастурий мақсадлари ва электрот манфаатларини акс эттириш бўйича тақлифлар тайёрлаш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди, унинг вазифалари белгилаб олинди.

Билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, фракция қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкин, деган хулосага келиди.

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунли лойиҳаси фракция аъзолари томонидан иккинчи ўқишда қизғин муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ва жиноий жазо тизимини ислоҳ қилишга қаратилган, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашишда, қонунийликни таъминлашнинг таркибий қисми ва демократик янгилишларни чуқурлаштиришнинг натижаси сифатида амалга оширилган ишлар замонавий ва барқарор жиноят қонунчилигини яратишга имкон берди.

Умид Жуманиёзов, фракция аъзоси:

— Қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар қонунчиликда мавжуд айрим зиддиятларни бартараф қилиш имконини беради ҳамда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишларини, маҳкумларга нисбатан инсонпарварлик муносабатини ҳамда жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигининг ҳуқуқий нормаларини такомиллаштиришни изчил амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларида тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, шубҳасиз, жиноий жазоларни либераллаштиришга, инсон ҳуқуқларини ҳимоясини кучайтиришга ва ҳукми қилинган шахсларнинг жамиятдан қатъий ажратмаган ҳолда тузалишига ёрдам бериши билан “Адолат” СДПнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислоҳотларни ривожлантиришни қўлаб-қувватлашга қаратилган мақсад-вазифаларига тўла мос келади ва уни қўлаб-қувватлашимизга асос бўлади.

Шунингдек, йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар кири-

тиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда депутатлар томонидан муҳокама этилди.

Масъул кўмита вакилининг таъкидлашича, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида унга 25 та ўзгариш ва қўшимчалар киритилди ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДП фракция аъзолари томонидан берилган тақлифлар инобатга олинди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси миллий боғларнинг ҳуқуқий мақоми, режимининг хусусиятлари, уларни бошқариш ҳамда қўриқлашни ташкил этиш, табиий объектлар ва мажмуаларнинг сақланишига қаратилган. Унга мувофиқ “Муҳофизат этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофизат қилиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Ер кодексига қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, “Табиатни муҳофизат қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилган қўшимча миллий боғларни муҳофизат этиладиган табиий ҳудудлар тизимига қўйишни назарда тутди.

Ер кодексига киритилган қўшимчалар эса миллий боғлар ерларини табиатни муҳофизат қилиш мақсадларига (муҳофизат этиладиган табиий ҳудудлар) мўлжалланган ерлар таркибига киритиш ҳамда миллий боғлар ерларининг олиб қўйилишига таъқиқ ўрнатишни назарда тутди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонун даражасида миллий боғларнинг муҳофизат этиладиган ҳудуд сифатида ҳуқуқий мақоми, режими, бошқариш тартиби, қўриқлашни, молиялаштирилиши, белгилаб берилиши, уларнинг ерлари дахлсизлигини ҳамда уларнинг ҳудудида ўсимлик дунёсининг сақланиши ва қўлайлигини таъминлайди.

Қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрланган вариантлари моддама-модда кўриб чиқиш жараёнида фракция аъзолари ушбу ҳужжат Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг экология ва атроф-муҳитни, табиий ресурсларни муҳофизат қилишга доир дастурий мақсад-вазифаларига мос эканлигини таъкидлашган ҳолда, уни янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни билдириди ҳамда уни қўлаб-қувватлади.

Йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган тақлифлари эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илбос САХАТОВ, «Adolat» мухбири

Тараққиётнинг теран тамойиллари

Давоми. Бошиқ 1-бетда

омилининг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Президентимиз қароридан алоҳида қайд этилганидек, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг тез суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустақкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада, айниқса, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Зеро, ушбу ташкилий-ҳуқуқий чоралар натижасида таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, мулақо янги ёндашув ва фалсафа асосида ишлайдиган миллий таълим тизими яратилди. Мамлакатимизда қабул қилинган Миллий дастурга қўра, 9+3 схемаси

таълим тизимига катта этибор қаратилаётгани сабабини англаб этиш мумкин. Чунки ҳар йили ярим миллион нафардан ортик йигит-қиз мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяр экан, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида узқини қўзлаб ислоҳотларни амалга ошириш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам таълим ислоҳотларини бўғунги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб янада чуқурлаштириш, меҳнат бозори ва ресурсларининг имкониятларини жадал кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар бунга яққол мисолдир.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича миллий моделимизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда янгилишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Аввал, таълим тизимининг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, моддий-техник базаси мустақкамланди, педагог кадрларни тайёрлаш тизими ва таълим муассасаларининг илмий-методик иш олиб

таби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Сир эмас, жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта билмасдан ва эгалмасдан туриб келажакни куриб бўлмаслигини барчамиз яхши англаб етмоқдамиз. Шуларни инобатга олиб, ўтган ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими жорий этилди. Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортик ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари ўқув-тарбиясида қўшимча мультимедиа варианты илова қилинган 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди. 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 мингга етди.

Мамлакатимизнинг барча минтакаларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори маълумли инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф шартларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди. Телевидениеда чет тилларни ўргатиш бўйича қизиқарли ўйинлар дастурига эга бўлган махсус болалар маърифий каналлари ташкил қилинди.

Биз юқорида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятида инсон омилни муҳим аҳамият қилиб алоҳида қайд этган эдик: “Бу беҳиз эмас. Чунки таълим тизими ёхуд тиббиёт соҳасига йўналтирилаётган инвестицияларни оламизми — буларнинг барчаси ҳар томонлама соғлом, ўз тақдири ҳақида қайғура оладиган, дунёқароши кенг, маънавияти юксак авлоднинг шакллантиришдек эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, бу сазай-ҳаракатлар пировадида ҳар бир юрtdошимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, она Ватани тарққиётини учун фидойи инсонларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу эса ҳар бир инсоннинг энг катта бахти, нияти ҳамдир. Мустақиллик бизга мана шу бахтни инъом этгани билан кадрлидир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортик ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича мультимедиа варианты илова қилинган 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди. 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг кишига етди.

бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу аввалмбор 12 йиллик тўлиқ бепул, мажбурий таълим қонуний асосда йўлга қўйилганини аниқлади.

Хорижлик экспертлар алоҳида эътироф этаётганидек, бу моделининг муҳим хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидеги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларини ҳам эгаллайдилар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакики, Ўзбекистонда яшаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши-ни инобатга оладиган бўлсак,

бориши йўлга қўйилди. Бугунги кунда эса педагоглар фаолиятини рағбатлантириш, тизимни давр талабидан келиб чиқиб янада раванқ эттириш бўйича чоралар кўриллаётгани бунинг тасдиғидир. Биргина 2013 йилда таълим-тарбия соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юрtdларининг моддий-техник базасини янада мустақкамлаш масалаларига катта этибор берилгани фикримизни тасдиқлайди. Масалан, ўтган йили 28 та янги касб-хунар коллежга қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юрtdлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-хунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусика ва санъат мак-

Бўлажак тадбиркорларга имтиёзли кредитлар

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Тадбирда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти, банк хизматлари турларини кенгрок тушунириш, шунингдек, ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳа ташаббускорларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлди.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг сайловолди Платформасида партия давлатимиз томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан қўлайтириш бўйича амалга оширилаётган сийосатни қўлаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу дастурий мақсадларни амалга оширишда партиянинг “Банк кредитлари — оилавий тадбиркорликка” лойиҳаси доирасидаги амалий семинарлар ва тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишбилармонлик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш халқимиз кундалик турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида ривожланиб, сайқал топмоқда. — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мудири М.Дадаходжаева. — Зеро, мазкур соҳа ривожига тўғри йўл кўрсатишнинг турмуши фаровон, рўзғори бут, дастурхонлари тўкин бўлган.

Таъкидлаш лозимки, партия ҳамда ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган партия электорати бўлими ёлланма ишчиларини қўлаб-қувватлаш, маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратишга кўмаклашишдан иборат. Шунингдек, уларга банк имтиёзли кредит-

ларининг ажратилишида кўмак бериш, аёллар бандлиги ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда уларни тижорат банклари хизмат турлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан таништиришда мазкур учрашув муҳим ўрин тутди.


Таъкидланганидек, юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратилган. Марказий банк бошқармаси вакили Ж.Юнусхўжаев таъкидлаганидек, бу борада, айниқса, Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари асосида яратилган имтиёзлар, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун соҳа ривожига асосий аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ҳамда ёшларни доимий иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

Тадбирда “Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш — Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик

партиясининг иқтисодий йўналишдаги устувор вазифаси”, “Банк кредитларининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти” каби мавзуларда маърузалар тақдим этилди. Шунингдек, партия фаоллари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, соҳа ривожини янада яратилаётган имкониятлар ва солиқ имтиёзлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбир якунида Фарғона вилоятидаги 10 нафардан зиёд ёш оилавий тадбиркор ҳамда коллеж битирувчиларига имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини бериш сертификатлар топширилди. Келгусида ушбу маблағлар эвазига 50 дан зиёд янги иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Фарҳод Олимов, ёш тадбиркор: — Истиклол йилларида юртимизда тадбиркорликка кенг йўл берилгани бандлик муам-



мосини хал қилиш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида хорижга ҳам экспорт қилиш, маҳсулотларимизни дунё миқёсида танитиш, тарғиб этиш имконини бераётди. Бу борада Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳамда Марказий банк кўмағида ажратилаётган имтиёзли кредитлар биз ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятимизни бошлашимиз, янги иш ўринлари ташкил этишга эришишимизда айна мудоао бўлмоқда. Анчадан буён тикувчилик цехи

очиб, катталар ва болалар учун турли либослар тиқишни, маҳалламиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишни йўлаб юрамдир. Менга тақдим этилган тўққиз миллион сўмлик имтиёзли кредит тикув машиналари харид қилиб, фаолиятимни йўлга қўйишим, қолаверса, бир нечта иш ўрни яратишим учун муҳим пойдевордир.

Комила ИСРОИЛОВА, Ўзбекистон “Адолат” СДП Фарғона вилояти кенгаши матбуот котиби

Электорат манфаати ташаббускорликка чорлайди


Таҳлил

Бугун жойларда партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда асосий механизм саналган депутатлик гуруҳлари ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш давр талабига айланган. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этишларини тақозо этмоқда.

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқадиган хулосалар сиёсий партиялар, шу жумладан, партиянинг Олий Мажлиси Кунунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳлари мақсадларининг туб моҳиятини етарлиқ тушуниришда, сиёсий етук фуқароларни партия сафига жалб қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг роли муҳим саналади.

Назорат-таҳлил фаолияти



Узбекистон "Адолат" СДП ҳам Сайловолди дастурида белгилаган мақсадларни амалга ошириш ва ўз электорати манфаатларини ишонли ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳлари кучига таянади. Партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга катта эъти-

қилиш, давлат ташкилотлари, ҳўжалик бошқаруви органлари мутасаддиларининг ҳисоботларини эшитиш, депутатлик сўровларининг самардорлигига эришишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу борада ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тизимли равишда йўлга қўйилди. Биргина назорат-таҳлил фаолиятини олади-ган бўлса, 2013 йил давоми-да 48 та, 2014 йилнинг олти ойи давомида эса 39 та тadbир ўтказилганини кўришимиз мумкин.

Лекин, шу билан бирга, айрим депутатлик гуруҳлари фаолиятида ташаббускорлик етишмаётгани, улар томони-

дан гуруҳ ва доимий комиссиялар йиғилишларига, айниқса, сессияларга масала киритишда сусткашликка йўл қўйилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Ваҳоланки, ҳудудларда депутатлар, депутатлик гуруҳлари эътибор қаратишга лозим бўлган масалалар, электорат манфаатларига доир муаммолар талайгина. Хусусан, 2014 йилнинг олти ойи давомида Навоий, Сурхондарё вилоятларининг айрим туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан назорат-таҳлил фаолияти сустлигича қолмоқда.

Таъкидлаш керакки, депутатлар томонидан халқ ҳўжалиги тармоқлари ва маҳаллалардаги айрим ечимини кутаётган муаммолар, йўл қурилиш, ободонлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги камчиликларни тузатиш, аҳоли фаровонлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилаётган тақдирлар сессиялар кун тартибига киритилаёпти.

Аммо партия сайловолди дастурида белгилаган устувор йўналишдаги мақсадларнинг барчаси ҳам кун тартибига олиб чиқилди, деб бўлмайди. Айниқса, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг ташаббуси билан бир неча масалалар доимий комиссия, ҳатто сессия муҳокамасига киритишга муваффақ бўлинганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бирок, ма-


ҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятига Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талабларидан келиб чиқиб, баҳо берилмаётгани бўлса, уларнинг айримлари партия электорати манфаатларига оид бирорта ҳам масалани муҳокама этмагани, депутатлик сўрови билан тегишли идораларга чиқмагани, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилмагани маълум бўлади. Шундай экан, партия депутатлик гуруҳлари ҳам асосий эътиборни ана шу масалаларга, «Соғлом бола

йили», «Бандлик» дастурлари ижросига, мансабдор шахсларнинг бу борадаги ҳисоботларини эшитишга, назорат-таҳлил фаолиятини кучайтиришга қаратишлари зарурлиги аён бўлади.

Депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан вилоят, туман,

ишини алоҳида қайд этиш керак. Буни биргина Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Фарғона вилояти маҳаллий Кенгашларида фаолият олиб бораётган депутатлари томонидан ўтган йил ва 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида партия депутатлик гуруҳлари йиғилишларида 30 дан ортқ масала ўргангани, давлат ташкилотларига 100 га яқин депутатлик сўрови юборилгани ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм вилоятларидаги депутатлик гуруҳлари ҳам ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашаётир. Жумладан, депутатлар томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар доимий таҳлил этилиб, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ дастур ва таҳлиллар дадил кўтариб чиқилаёти.

Сессияга киритилган масалалар



шаҳар Кенгашлари сессияларига, доимий комиссиялар йиғилишларига масалалар киритилгани кувончли, албатта. Мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига 2013 йилда депутатлик гуруҳлари томонидан киритилган тақдирларнинг 25 таси сессияларда муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилинган ва ушбу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 6 тага кўп, 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида 12 та тақдир сессияларда атрофлича кўриб чиқилган. Бу ўз навбатида, депутатлик гуруҳлари партия электорати манфаатларига оид масалаларни ўз йиғилишларида муҳокама этиб, ўз ваколатларидан тўғри, самарали фойдаланаётганидан дарак беради.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳлари томонидан партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг 27 та эътибори ўтказилди.

Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари номига 350 дан зиёд депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг аксариятига мутасаддиларнинг асосланган раҳбарлик ҳисоботлари ва ахборотлар олинди. Бу борада Фарғона, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги партия депутатлик гуруҳлари

Муҳим синовлар олдидан

партия фаолиятини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш лозим

Давоми. Бошқ. 1-бетдан

Ушбу масъулиятли палла арафасида Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам барча даражадаги партия ташкилотлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш каби вазифаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Кун кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах ва Фарғона вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари пленумларида ҳам ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Пленумларда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Навбатдан ташқари пленумларда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси лавозимини вақтинчалик бажариб келаётган Рустам Тўйчиев вилоят партия кенгаши раиси этиб, худди шунингдек, Фарғона вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зулфия Исломова ҳам кенгаш раиси этиб сайланди.

Пленумларда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ва ушбу кутлуғ санани юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш юзасидан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ташкилий-амалий, маданий-маърифий тadbирлари ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича тadbирларга устувор аҳамият қаратмоқда. Кун кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах ва Фарғона вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари пленумларида ҳам ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Пленумларда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Шунингдек, бошланғич ташкилотлар кучи ва салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тadbирлар таъсирчанлигини ошириш, партия кенгашлари ва депутатлар ҳамкорлигини изчил кучайтириб бориш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу борадаги хато ва камчиликлар танқидий кўриб чиқилди.

Шу билан бирга электоратни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда вилоят партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари олдида турган муҳим вазифалар ҳам муҳокама этилиб, кўрилган масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Баркамол авлод

Мустаҳкам оилада тарбия топади

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши таркибидаги партия ташкилотлари томонидан "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгилаган устувор вазифалардан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини янада кенгрок тарғиб этишга қаратилган турли тadbирлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.



Қаҳрамон ҚҮЛДОШЕВ

Соғлом фарзанд —

Партия лойиҳаси амалда

Амалдаги йилнинг республикамизда "Соғлом бола йили" дея номланиши соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш йўлида зиммамизга янада улкан вазифаларни юклади. Негаки, бугун келажак авлод камолотига қанчалик эътиборли бўлсак, уларнинг саломатлигини мустаҳкамласак, бу билан соғлом жамиятни яратишга ҳам эришамиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши фаоллари ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда партиядошларимизнинг иштирокини кенгайтириш максатидан вилоят партия кенгаши томонидан "Тиббий профилактика — репродуктив саломатлик — соғлом бола" лойиҳасини амалга ошириш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқилди.

Бунда сафимиздаги тиббиёт ходимлари билан бирга тиббий муассасалар фаолиятини яхшилашга кўмаклашиш, ёшларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб бориш, саломатлик акциялари ташкил этиш, "Соғлом она — соғлом бола" шиори остида саломатлик тadbирлари ташкил этиш ва соғ-

лом фарзандни дунёга келтиришда тиббий назоратни амалга ошириш асосий вазифа қилиб белгилаб олинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида бу борада шахар ва туман кенгашлари билан олиб борилган ишлар таҳлил қилинганда партиядошларимиз томонидан сезиларли ишлар бажарилганини кўришимиз мумкин. Сайловолди дастуридан келиб чиқиб аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга бўлган эътибор янада оширилди. Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда уларга энг яқин тиббий нукта бўлган қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини кучайтириш асосий

вазифалардан бирига айланди. Чунки тиббий профилактика кўйида кучайтирилса қўзланган мақсадга эришиш анчайин осонлашади. Бу борада жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари кўмаги билан 60 дан ортқ тарғибот тadbирлари ташкил этилди.

Шу ўринда Андижон давлат тиббиёт институти ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидаги БПТ аъзолари ташаббуси билан март-май ойларида вилоятдаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида чуқурлаштирилган тиббий кўриқ ўтказилгани аҳамиятли. Аниқланган касалликлар бўйича даволаш ишлари йўлга қўйилди. 200 нафардан ортқ кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари вилоят партия кенгаши кўмагида соғломлаштирилди.

— Айниқса, чегара ҳудудларда яшовчи оилаларнинг фарзандларини тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш ишларининг биринчи даражали вазифа қилиб қўйилгани партиямизга бўлган қизиқиш ошишига олиб келди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Маллохатхон Музаева. — Бу борада сафимиздаги хотин-қизлардан иборат тарғибот гуруҳининг

ташкил этилгани ҳам ўз самарасини берди. Негаки, айрим аёллар оғир ҳолатга тушиб қолгунча дардини ошқор қилишга тортинмади. Биз шу сабаб тиббий маданиятни юксалтириш масаласини олдимизга бош шнор қилиб олдик.

Саломатлик тadbирларида фаол иштирок этаётган партиямиздан сайланган халқ депутатлари Андижон туман Кенгаши депутати Дилдора Алихонова бошчилигида партия дошларимиз амалга ошираётган ишлар янада ибратли. Тумандаги Куйганёр шаҳарчасида январь-февраль ойларида "Саломатлик акцияси" ўтказилди. Бир hafta давомида 2000 нафардан ортқ ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, "Ўз соғлигингизга эътиборли бўлинг!" мавзусида тайёрланган буклетлар тарқатилди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2014 йил 19 февралдаги "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида 2014 йил март ойида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида ўтказилган тadbирга алоҳида тўхталмоқ лозим. Фуқаролар барча қатламлари саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилган

мазкур тadbирда қутилганидан кўпроқ фуқаролар иштирок этиди. Тadbирга республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтилари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг олимлари ҳамда малакали шифокорлар тақлиф этилди. Улар аҳоли ўртасида тиббий маданиятни тарғиб этиш, диагностика текширувлардан ўтказиш, турли касалликларнинг олдини олиш бўйича кенг тушунириш ишлари олиб боришди. Ўз навбатида, "Адолат" партияси соғлом авлод ва соғлом келажак тарафдори эканлигини таъкидладилар.

— Айниқса, Асака ва Кўргонтепа туманларида ўтказилган тadbирлар уюшқоқлик билан ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши раиси Алишер Шодмонов. — Иккала ҳудудда 1200 нафардан ортқ ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилди, 60 нафар фуқаро сафимизга қўшилди. Энг асосийси, юртдошларимизда давлатимиз томонидан инсон саломатлигига катта эътибор қаратилаётганига ишонч янада ортди. Мақсадимиз йил давомида бундай тadbирларни давом эттириш.

Акбаржон НАЗАРОВ

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Хусусан, кун кеча Ўзбекистон "Адолат" СДП Яққасарой туман кенгаши ташаббуси билан туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маънавият-тарғибот маркази, туман марказий тиббиёт биносида ва туман ФХД бўлими ҳамкорлигида ёш оилалар иштирокида "Мустаҳкам оила — келажак пойдевори" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда туманда истиқомат қилаётган 35 нафар ёш оилалар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди. Ташкилотчилар томонидан ёш оилаларнинг тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билімларини ошириш максатидан эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, ота-онага ҳурмат, бир-бирига бўлган муносабатларнинг ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида бўлиши, шунингдек, давлатимиз томонидан ёш оилаларга берилаётган имтиёзлар тўғрисида кенгрок тушунчалар берилди.



Тadbирда иштирок этган ёш оила вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Бобур ОТАМУРОВОВ

Солиқлар тараққиётга етаклайди

Солиқ почтасидан

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолият турларидан келиб чиқиб, қатъий белгиланган солиқ тўловчилари ҳисобланади. 2014 йилда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қароридан белгилаб берилган.

Қатъий белгиланган мазкур солиқ ставкалари фаолият турига қараб энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан каррали миқдорда белгиланган. Агарда, яқка тартибдаги тадбиркор фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолиятнинг ҳар бири учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳар ойда

қатъий белгиланган солиқни тўлаш билан бир қаторда энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда сугурта бадалларини мажбурий тартибда тўлашлари лозим.

Қатъий белгиланган солиқ ставкалари йил бошига — 2014 йил 1 январига белгиланган энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб аниқланади ва энг кам иш ҳақи миқдори йил давомида ўзгарганда қайта кўриб чиқилмайди.

Бундан ташқари, юридик

шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширишда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосига қатъий белгиланган солиқ тўловчисидир.

Солиқ кодексига юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркор сифатидан рўйхатдан ўтган оила аъзоси ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, оиланинг бошқа аъзолари эса энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан сугурта бадалларини тўлашлари белгиланган. Оила аъзоларининг сугурта бадалларини тўлаш мажбурияти оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиغان яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг зиммасига юклатилган.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011

йил 7 январдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган "Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати"даги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгалар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони асосан "Хунарманд" уюшмаси аъзолари бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.

Ушбу солиқ имтиёзининг амал қилиш мuddати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги Фармони асосан 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилган.

Бундан ташқари, Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дасту-

ри тўғрисида"ги қарорига асосан 2012 йилнинг иккинчи чорағидан бошлаб, қишлоқ жойлардаги маҳаллалар худудиде маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойабзал, маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) 3 йил мuddатга ҳамда қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда қорхона хизматларини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар 5 йил мuddатга қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.

Тошкент шаҳрининг биргина Сергели туманида 1349 дан ортук яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолият юритмоқда, улардан 425 нафари "Хунарманд" уюшмаси аъзолари бўлиб, қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.

Фарҳод УМАРОВ,
Тошкент шаҳри, Сергели тумани ДСИ бошлиғи

Кибержосусларга қарши кибермагистрлар

Буюк Британия давлат алоқалари маркази (GCHQ) мамлакатнинг олтира университетига кибермудофаа ва маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутахассислар етиштириш ҳуқуқини берадиган аккредитация тақдим этди. Маълумотларга кўра, гап магистрлик даражасига эга мутахассисларни тайёрлаш ҳақида бор-моқда.

Аккредитация олган олий ўқув юртлири рўйхатида машҳур Оксфорд, Ланкастер, Лондон ва Эдинбург университетлари бор. Оммавий ахборот воситаларида алоҳида қайд этилишича, киберхавфсизлик Британия ҳукуматининг мамлакат иқтисодиёти учун белгиланган режасининг муҳим қисmidир. Янги курслар эса Англияни онлайн-бизнес юритиш соҳасида дунёнинг энг хавфсиз мамлакатларидан бирига айлантиришга мўлжалланган.



Ойдаги "қудук"ларда яшаш мумкин

Олимлар Ой сатҳида топиладан кўп сонли ўзига хос "қудук"ларда фазогирлар маълум вақт истиқомат қилиб туришлари мумкинлигини айтишмоқда.



Ҳисобларга кўра, Ойда жами 200 га яқин бундай чуқурликлар бўлиб, улар 29 метеорит кратерлариде жойлашган. "Қудук"лар диаметри 5 метрдан 900 метрга қадар. Улар яқинда сайёраларо учишга мўлжалланган автоматик станцияси зонди камераси ёрдамида суратга олинган. Бу ангиллик дарҳол Аризона штати университети олимлари томонидан Icarus илмий журналида эълон қилинган.

Тадқиқотчилар айрим "қудук"лар орқали бемалол сайёранинг ички қисмини ўрганиш мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Яъни улар Ой юзаси совуған, анжасида ҳали лава қайнаб-тошиб турган маҳаллари юзга келган. Натижада сайёранинг ички қисmidан чиқётган лава айрим жойларда йирик ёриқлар, тўйнуқлар ва ёрлар ҳосил қилган. Шу сабабли баъзи ёриқларнинг қуйи қисmidе олимлар совуған лава қатламларини аниқласа бўлади.

Умуман олганда, мазкур "қудук"ларни ўрганиш она сайёрамизнинг йўлдоши бўлган Ойнинг геологияси ва келиб чиқиш тарихини аниқлаш имконини яратди. Шу сабабли тадқиқотчилар Ойда "қудук"ларнинг ички қисmidе кира оладиган махсус зондларни йўллашни таклиф этишмоқда. Кейинроқ эса бу чуқурликлар одамлар учун ишончли кўналгага айланади. "Бир неча ўн метр чуқурликдаги "қудук" астронавтлар учун хавфсиз яшаш жойига айланади, чунки бунақа жойда ҳеч қанақанги радиация, метеоритлар учрамастлиғидан ташқари чанг кам бўлади ҳамда ҳароратнинг кескин ўзгариши кузатилмайди", дейди тадқиқотчилардан бири Роберт Вагнер.

Бундан ташқари, табиий яшаш жойлари Ой сатҳида махсус шароитларга эга, камида миллион доллар турадиган бино қургандан кўра анча арзонга, деярли текинга туради.

Миллиардер маоши 1 доллар

Facebook компаниясининг 30 ёшли раҳбари Марк Цукерберг жаҳон миллиардерлари рўйхатида 16-ўринга кўтарилади (Bloomberg версияси).

Дунёдаги энг йирик ижтимоий тармок эгасининг маблағи 33,3 миллиард долларга тенг дейилмоқда. Дарвоқе, Google асосчиси Ларри Пейж ундан 100 миллион доллар кам даромад билан кейинги ўринда турибди.

Бугунги кунда Facebook акциясининг бир донеси 74,98 доллар туради. Компания жорий йилнинг II чорағи ҳисоботини эълон қилганидан сўнг акциялар нархи максимум даражага кўтарилди. Зеро, ҳисоботда ижтимоий тармок даромади икки баробар ошганилиги кўрсатилган. Бир йил мобайнида Facebook акциялари нархи 183 фоизга кўтарилди, бу эса компаниянинг тараққиёт суръати бўйича етакчи ўринга чиқиб олишига сабаб бўлди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, агар Facebookнинг бир донна қимматбахо қозони нархи 200 долларга қадар кўтарилса, Цукерберг сайёрамизнинг энг бой одамларидан бирига айланади ва бу борада ҳатто 84,7 миллион доллар маблағга эга Билл Гейтсни ҳам ортда қолдиради.

Эслатиб ўтаамиз, Цукербернинг бир йиллик расмий маоши бор-йўғи 1 долларни ташкил этади.

Яқинда The Wall Street Journal журналида эълон қилинган мақоласида Марк Цукерберг ўзининг асосий мақсади сайёрамиздаги ҳар бир кишига интернет хизматини етказиб бериш эканини билдирган. Бугунги кунда дунё аҳолисининг ундан бир қисми, тахминан 2,7 миллиард киши бу хизматдан фойдаланади. Интернетта уланшилар ўсиши йилга 9 фоизни ташкил этмоқда, холос. Шу сабабли Цукерберг бу ишга жиддий киришиб, яқин йиллар ичиде бутун дунё ахли учун глобал интернет хизматини ташкил этиш ниятида. Бу режа амалга ошган тақдирда фақат ривожланаётган мамлакатларда қўшимча 140 миллион янги иш ўрни яратилади, камида 160 миллион киши қашшоқликдан қутулади. Бундай ижобий ўзгаришлар эса ўз-ўзидан болалар ўлими камайишига олиб келади, деб ҳисоблайди Марк Цукерберг.

наси сотиб олиш учун тузилган 2012 йил 14 февраль кунги шартномага кўра, автомашинанинг барча тўловларини амалга оширган бўлса-да, МЧЖ томонидан ушбу автомашина 2012 йил 31 октябрь кунига қадар етказиб берилмагани хусусида мурожаат қилган.

Фуқаро манфаати юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманларо судига даъво ариза киритилиб, суднинг жорий йил 20 майдаги ҳал қилув қарорига асосан вилоят адлия бошқармасининг даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгар "Жиззах-автосавдо" МЧЖдан фуқаро У.Жуманиязов фойдасига 8.282.000 сўм ундириб берилган бўлди.

Бундан ташқари, Жиззах вилоят адлия бошқармасига Жиззах туманида яшовчи фуқаролар Қ.Эштемурова ва бошқалар Пахтакор туманидаги "Элита" шўъба қорхонасида 2012 йил декабр ойидан 2013 йил ноябрь ойига қадар ишлаган даври учун иш ҳақи тўлаб берилмаётганидан норози бўлиб мурожаат қилган.

Ўрганиш натижаларига кўра, мазкур ҳолат юзасидан Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартафсил этиш бўйича "Жиззахпахтасаноат" ОАБга тақдирнома киритилиб, "Элита" шўъба қорхонаси директори С.Норкуловга интизомий жазо берилган. Қ.Эштемурова ва бошқаларга тўланиши лозим бўлган 6.681.302 сўм иш ҳақи тўлаб берилиши таъминланди.

Аъзам БАЙБЕКОВ,
Жиззах вилоти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош масолаҳатчиси

хофаза қилишга тааллуқли бошқа объектларни барпо этиш. Шунингдек сервитут бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мумкин.

Сервитут унинг белгиланишини талаб қилган шахслар билан ўзағи ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги қелишууга мувофиқ, қелишуга эришолмаган тақдирда эса суднинг ҳал қилув қарорига биноан белгиланади.

Сервитут тўғрисидаги қелишув давлат рўйхатида олиними лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтган вақтда сақланиб қолади. Сервитут тўғрисидаги қелишув уни белгилашга сабаб бўлган асослар бархам топса, бекор қилиниши мумкин.

Саволга Янгийўл тумани 2-сонли ДНИИ муносира **Мухаббат КОМАРОВА,** жавоб берди.

зим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин. Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайирилиши мумкин.

Саволга Тошкент шаҳри Шайхонтаҳур тумани ФХДБ бўлими мудираси **Озода АБДУАЗИЗОВА** жавоб берди.

Мурожаатлар қаноатлантирилди

Адлия почтасидан

Жиззах вилоти адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бўлимга 2014 йил 1-ярмида фуқаролар томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида келиб тушган мурожаатларнинг 80 таси кўриб чиқилиб, уларнинг 34 таси қаноатлантирилган. Улар юзасидан тегишли идоралар раҳбарлари номига 11 та тақдирнома, 9 та огоҳнома, судларга 62 нафар фуқароларнинг манфаатини кўзлаб, 81.210.537 сўмлик даъво аризалари киритилиб, суд томонидан барча даъво аризалари қаноатлантирилди. Шунингдек, бошқарманинг иш режаси ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига асосан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан идора, ташкилот ва муассасаларда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланиб, мазкур ҳолатлар юзасидан 36 та тақдирнома киритилган.

Шунингдек, Жиззах вилоти адлия бошқармасига Хоразм вилотида яшовчи фуқаро У.Жуманиязов Галлаорол туманида жойлашган "Жиззах-автосавдо" МЧЖ билан "Дамас" автомаши-

на натижа билан 50 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилган, 5 та буйруқ бекор қилиниб, 2 нафар ходим ишга тикланган, фуқароларга

Сўранг, жавоб берамиз!

Томорқамни сўғориш учун қўшнимнинг ер участкаси орқали ўтадиган ариқдан сув олишимга тўғри келади. Лекин қўшним охириги пайтларда сувни буғиб, менинг томорқамга ўтказмайпти. Айтинг-чи, бундай вазиятта қонун доирасида қандай йўл тутиш мумкин?

Жасур Ортиқов, Тошкент вилоти

Ўзбекистон Республикасининг "Ер" кодексига 30-моддасига кўра, ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи /сервитут/ — қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир.

Сервитут қуйидаги мақсадларда белгиланиши мумкин:

- ўзганинг ер участкаси орқали пийда ёки транспортда ўтиш;
- ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш;
- ўзганинг ер участкасидан

электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоклар ўтказиш ва улардан фойдаланиш;

- ўзганинг ер участкасидан экинзор ва молларни сўғориш учун сув олиш;
- молларни ўзганинг участкаси орқали ҳайдаб ўтиш;
- ўзганинг участкасидан қидирув, тадқиқод ва бошқа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш;
- ўзганинг ер участкасида ихота дарахтлари экиш ва табиатни му-

Турмуш ўртоғим билан ажралиш арафасидамиз. Эрим икки нафар фарзандимизга алимент тўлаш нияти йўқлигини билдираётти. Илтимос, эр-хотин никоҳдан ажратилганда сўнг болаларга алимент ундириш тартиби ва алимент миқдори ҳақида маълумот берамиз.

Назира Шогуева, Тошкент шаҳри.

Никоҳдан суд тартибиде ажратилганда, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида қелишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — ундан бир қисми; уч ва ундан ортук бола учун — ярмиси миқдориде ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ

ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши ло-

Ҳурматли истеъмолчилар!

Агар товар харид қилинганда, бирон-бир хизматлардан фойдаланганда (оммавий-маданий соҳада ва ҳ.к.) Сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни банк пластик карточкалари орқали амалга оширган ҳолда нархлар асосан оширилса ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг ҳудудий бирлашмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Агар товар ва хизматлар бозорида сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва вилоят бирлашмаларининг "Ишонч телефонлари" га кўнгиноқ қилинг.

Мутахассислар сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда яқиндан кўмак беради.

1	Қорақалпоғистон Республикаси	361	222-92-91
2	Андижон вилоти	374	223-20-50
3	Бухоро вилоти	365	221-59-55
4	Жиззах вилоти	372	226-32-33
5	Навоий вилоти	436	223-03-21
6	Наманган вилоти	369	227-14-96
7	Қашқадарё вилоти	375	221-10-31
8	Самарқанд вилоти	366	231-01-10
9	Сурхондарё вилоти	376	223-38-85
10	Сирдарё вилоти	367	226-03-15
11	Тошкент вилоти	371	236-28-61
12	Фарғона вилоти	373	244-51-98
13	Хоразм вилоти	362	226-73-19
14	Тошкент шаҳри	371	276-90-46
15	Федерация марказий аппарати	371	259-22-12

Reklama

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «O' ZBEKISTON SHAMPANI» ОАЖнинг Тошкент шаҳар, С.Маъшадий кўчаси, 186-уй манзилидаги давлат рақами 01 930 ВСА бўлган 1993 йилда и.ч., 35 616 000 сўм бошланғич нархдаги ГБА СПГ ГАЗ 3307 русумли, давлат рақами 44-45 НУ бўлган 1986 йилда и.ч., 7 710 000 сўм бошланғич нархдаги прицеп (тиркама) 2ПТС-4-793 русумли, давлат рақами 44-46 НУ бўлган 1982 йилда и.ч., 7 710 000 сўм бошланғич нархдаги прицеп (тиркама) 2ПТС-4-793 русумли, давлат рақами 44-47 НУ бўлган 1984 йилда и.ч., 7 710 000 сўм бошланғич нархдаги прицеп (тиркама) 2ПТС-4-793 русумли автомобилотранспорт воситалари кўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уйда, 2014 йил 12 сентябрь куни соат 11:00 да, ушбу савдода сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг охиригача ҳар жума кунлари соат 11:00 да бўлади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманоме (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат қелишуга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтаҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 2020800604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55.

Гувоҳнома 2011 йил 1 ноябрда берилган №005424.

Reklama

Сергели тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 26 февралда 002900-06-Регистр рақами билан рўйхатга олинган МЧЖ «EVEREST-NET-MOBILE» иштирий равишда 2014 йил 25 июлда тугатилди. Даво аризалар қарор чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Тошкент шаҳар Сергели тумани 8-мавзе 26-уй 36-хонадонда қабул қилинади.



Ёнимиздаги одамлар

Мулоҳаза

...Ҳаёт шошқинлиги, давр шиддати ҳаммани измига солиб, ўзи билан ўзини андармон этиб кўйгандай: сал нафас ростлаб, тин олиб атрофга қарашга, қўни-қўшнилари, ёр-биродарларнинг, хеш-уруғларнинг ҳолидан андак-кина бохабар бўлиб кўйишга ҳам фурсат етмаётгандай.

Балки шу сабабидир, эътиборимизни онг-шууримизга тушунарларимиз учун фавқуллодда бўлиб туйилган ҳодисаларгина тортади. Ваҳоланки, кўлами ва аҳамиятига кўра улардан залворлироқ, беҳроқ воқеалар шундоқ ёнгинимизда содир бўлиб турибди.

...Жияним Эркин қишлоқда бир фермернинг кўлида ишлайди. Ўзини тиним билмайди: кеч кўзда бугдой экади, қишда яхоб суви кўяди, эрта баҳорда ерни бороналаш бошланади, кейин чигит экиш, сўнг унинг чиққан гўзалардан ҳам хабар олиб туриш керак. Зум ўтмай гўзалар чанқайди. Уларни сугориш, ўғитлаш, бегона ўтларини чопиш... Қарабсизки, галла ўрадиган пайт ҳам етиб келган. Бугдой ташвишлари тугар-туғамас яна гўза парвариши. Тез орада пахта пишди: терим мавсуми бошланади...

Фермер инсофли одам. Кўплар қатори Эркинга ҳам маоридан ташқари галла, ёғ, макарон бериб туради. Шу жияним йигирма беш ёшда ўзи ваъдалашиб юрган, туман марказидаги коллежни битирган Олтиной исми қизга уйланди.

Ўзбекининг тўйи маълум... Қарздор кўёвга ҳаттоки "асал ойи" ҳам татимас экан. Эркин буни ўз бошидан ўтказиб билди.

Хуллас, узоқ истиқлоллардан кейин Эркин келин бўлиб тушганига йигирма кун тўлган рафикасини далага, пахта теришга таклиф этаркан.

— Кичкина чилланг чикди-да... — дея мингирлади худди ўзини оқлаётгандай. — Харна рўзгорга ёрдан...

Янги келинчақ бир оғизгина: — Хўп бўлади, — деди ва

уйдан иккита этак кўтариб чиқди.

Фермер — ўз ерининг хўжайини. Тасодифан ўша кун фермер ўзининг элик гектарлик даласига фақат шаҳардан келган ҳашарчиларни киритишни истаб қолди. Қишлоқдан иштиёқ ила этак кўтариб борганлар тушгача бесамар кутишгач, ҳафсалалари пир бўлган ҳолда ноилож ортага қайтишди.

Хижолатдан адоий тамом бўлган эри билан бирга қишлоққа қайтаётган Олтиной йўлайоқ дала шйпонидида овқатланаётган ҳашарчиларга кўз ташларкан:

— Булар тушликка аччиқ булка ейишаркан-а? — деб сўрайди.

— Бори шу-да, — дея дарҳол изоҳ беради Эркин. — Шу нониям марказдан усти очик машинага босиб, чангга кўмиб олиб келишди. Оғзинга олсанг, тишингда тупроқ гижирлайди.

Шундай Олтиной кулимсираб дейди:

— Келинг, бундай сарсон бўлиб, теришга пахта излаб юргандан кўра уйда ширмой нон пишириб, ҳашарчиларга олиб чиқиб сотайлик. Қайноқ-кина нон турганда ким ҳам аччиқ буханка ерди?

Таъ олиш керак, аввалига бу таклиф Эркинга эриш туюлади. У ҳатто:

— Шу ёшда нон сотиб юрамми энди? — дейди ижирганиб.

Бунга жавобан Олтиной яна эрини кулиб ёнгича ҳаракат қилади:

— Тирикчиликнинг айби йўқ, Эркин ака. Нон ёпиб сотиш ҳам хунар. Ўғирлик қилмасак... Агар жуда уялсангиз, қайиначларимиздан биронтасидан илтимос қилармиз...

Хотинининг сазасини ўлдир

ришни истамаган эр ноилож рози бўлади:

— Бир уриниб кўр-чи...

Эртасига тушга яқин Олтиной икки тандир нон ёпди. Қайноқ нонлар саватларга солиниб, Илҳом исмли қайинуканинг велосипедига юкланди. Илҳом чақонгина йигитча экан: орадан бир ярим соат ўтар-ўтмас бир даста пул билан қайтиб келди ва ҳовлиқиб: — Янга, нон талаш бўлиб кетди. Кечқурунга яна камиди тўрт сават олиб бормасам бўлмайди, — деб қолди.

Юрагини ҳовучлаганча қайиначасининг йўлига кўз тикиб ўтирган Олтиной ўзини ошхонага урди...

Орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас Олтиной ёпган ширмой нонлар қишлоқдаги ҳашарчилар ўртасида жуда машхур бўлиб кетди.

Буюртмалар эса шу қадар кўпайдики, Ойсулов кўшни аёллардан иккитасини ўзига ёрданчи қилиб ишга олди. Чақон Илҳом эса аллақачон кажавали мотоцикли бор ўртосини топиб келганди.

Ишнинг кўзини билиб меҳнат қилганга нима етсин! Эркин бир ой эгилиб, минг машаққатлар ила пахта теришга олишган маблагни янги келин Олтиной икки-уч кун ичида топадиган бўлди.

Ана шунда хурсанд бўлиб кетган Эркин умр йўлдошининг уйдабуронлиги, оқиллиги аслида қимматбахо сеп эканлиги иқдор бўлди.

Пахта терими якунланган пайтга келиб янги эр-хотин тўй учун олинган қарзининг бир қисмини қайтаришди.

Албатта, қишлоқ ахлининг ҳаммаси ҳам янги келиннинг шйблармонлигидан хурсанд бўлгани йўқ. "Ўзиям эмас, бирова ҳам бермас" шундай ҳамқишлоқлардан бири солиқ идорасига бир қулоч ариза ёзиб берибди: "Шундай-шундай, булар уйда нон ёпиб сотиб, кўшимча даромад қилишмоқда, солиқ тўлашмапти".

Хонадонни солиқ билан департаментдан келган текширувчилар босишди...

Биз ўрганиб қолганмиз-да: солиқ босдимми, тамом, отнинг калласидай жарима солади; прокурор келдимми, гап-сўзсиз



қамоққа тикиди. Аммо... аммо замон ўзгарган, замон!

Текширувчилар "Акалар, бўлди, шу бугуноқ новвойхонани ёпамиз!" дея қўлини кўксига қўйиб турган Эркинга... оилавий тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтиб, ишни давом эттираверишни таклиф қилишди. "Биринчи сафар аядик, жарима ҳам ёзиб ўтирмаймиз", дейишди.

Гарангсиз турган Эркинни рафикаси қўллади:

— Қонунан ишлаганимиз машкул. Шунда кредит олишимиз ҳам осон бўлади.

— Яна қанақа кредит? — ҳайрон бўлиб сўради Эркин.

— Уч-тўрт кундан кейин пахта мавсуми тугайди, — дея ўз фикрини баён қилди Олтиной.

— Демак, нонларимизнинг бозори чақон бўлмай қолади. Яхшиси оилавий корхона очиб, имтиёзли кредитга уч-тўртта тикув машинаси сотиб олайлик. Қиш бўйи бекор ўтирамизми? Тикишни биламан. Қишлоқда яна қанча чевар бор...

— Сен буларни қаердан биласан? — баттар ажабланди Эркин.

— Коллежда ўқиганман-ку...

Қаламга олинган бу воқеага тўрт-беш йил бўлиб қолди-ёв. Яқинда қишлоққа боргандим.

Эркин жиян билан Олтиной келиннинг ишлари юришгандан юришиб кетибди. Қишлоқдаги алоҳида кўркам бинодаги тикувчилик цехи буюртмалар асосида пахталик газламалардан хорижга қўйлақ-халат, чойшаблар тикиб бераркан. Қишлоқдаги иккита дўкон уларга тегишли. Булар ҳам камдай, эр-хотин тадбиркорлар фермер хўжалиги ташкил этиб, тендерда беш юз гектар ер ютиб олишибди: ярми пахта, ярми бугдой. Сўнг банкдан катта миқдорда имтиёзли кредит олишиб, асарличилик ва балячилик хўжалиги ташкил этишди.

Бирок бу ҳаммаси эмас. Эр-хотин туманининг тўртта хўжалигида бир йилда икки марта ипак курти парваришладиган корхона очилган; элик гектар ерда



интенсив боғ бунёд этишган.

Бирок бу ҳам ҳаммаси эмас. "Голландиядаги мамлакатда атиги тўрт фоиз аҳоли қишлоқ хўжалиги юмушлари билан банд, қолганлар хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш соҳасида", дея менга иқтисодий билимини кўз-кўзлаган Эркин қишлоқ чеккароғида гишт заводи билан мебель фабрикаси қурилишини бошлаб юборишганини айтиб қолди.

Барибир энг сўнгги шов-шувули хабарни қишлоқ ахлидан эшитдим: тиниб-тинчимас эр-хотин бултур қишда беш гектар ерга плёнка остига турли кўкатлардан экишган экан. Эрта кўкламда тайёр кўкатларни самолётда Москвага олиб бориб сотишиб, юз миллион сўм даромад кўришибди. Беш гектар ердан юз миллион сўм-а! Шунга қишлоқнинг ярим аҳолиси бу йил қишдаям тиним билмай, плёнка кўтариб далага чопгани-чопгани эмиш...

Майли-да, ишлашсин, ҳалол пул топишсин...

Олтиной кенжа сингисини ҳинд тилига ўқитаётганидан ҳам шу ерда хабар топдим. Имкон туғилиб қолганида бунинг сабабини сўрадим.

— Ҳукумат қарори билан вилоятимизда эркин иқтисодий зона ташкил қилинган, — деди Олтиной. — Эр-хотин маслаҳатлашиб, ҳиндлар билан компьютер дастурлари ишлаб чиқарадиган бир қўшма корхона тузасак дегандик.

Ҳазиллашдим:

— Бангалордаги силикон водийси бизнинг қишлоғимизга кўчиб келаркан-да?

— Улардан қаеримиз кам? — ишонч билан жавоб қайтарди Эркин. — Ахир алгоритмнинг ватани асли ўзимизда-ку...

Ишқилиб, ишлар авжида. Дарвоқе, эр-хотин аллақачон янги, шарт-шароити шаҳарани қилишимиз билан уйга кўчиб ўтишган.

Эркин мамнун кулади:

— Президент уйлари энди энди қурила бошлаган маҳаллари, нарҳиям олтимиш етти миллион сўм пайти шартта олгандик. Тўппа-тўғри қилган эканмиз. Бунақа ажайиб уйни тушдаям кўрмаганмиз денг!

Олтинойнинг оппоқ "Ласетти" бошқариб кетаётганини кўрдим, Эркинда эса сутранг "Малибу" (ҳарқалай, эр хотиникига нисбатан қимматроқ машинада юргани яхши-да).

Буларнинг барини кўриб-эшитиб, рости, хурсанд бўлиб кетдим.

Дарвоқе, қахрамонларим...туманида истиқомат қилишди. Атай уларнинг манзиллини аниқ айтмадим. Ахир бундай юртдош-замондошларимиз ҳар туманда, ҳар хўжаликда учрайди-да. Инчунун, уларнинг биронтасини алоҳида ажратиб кўрсатиш шарт эмасдир. Бунинг устига уларнинг сафи тобора ортомқда ҳам. Мухими шу...

Абдуқамом Йўлдош

Азиза ҚУРБОНОВА

"Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари"

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзои К.Шодиметовнинг шу номли китоби нашрдан чиқди.



Муқобил энергия манбаларига қизиқувчилар, ундан фойдаланишни истовчи тадбиркорлар, фермерлар, умуман, оддий фуқаролар учун амалий қўлланма сифатида нашр этилган мазкур китоб Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари" китобини тайёрлаш ва чоп этириш лойиҳаси" ижроси сифатида "Экосан" экология ва саноатлик халқаро жамоат фондига ажратилган давлат гранти доирасида тайёрланди.

— Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шубҳасиз ушбу йўналишдаги кенг қамровли тадқиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш билан бирга муқобил энергиядан фойдаланишда янги ўқлар очмоқда, — дейди китоб муаллифи, партия қошидаги "Инновация ва муқобил энергетика тарғиботи маркази" раҳбари К.Шодиметов. — Мазкур қўлланмада энергетика соҳасида, аиникса, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг афзалликлари, фойдаланиш усуллари ва

иқтисодий истиқболлари хусусида зарур маълумотлар, тушуна ва тавсиялар берилган. Ушбу адабиёт мамлакатимизда муқобил энергияни тараққий эттириш, она табиатнинг келажак авлодлар учун ҳам софлигини сақлашни мақсад қилиб олган ўзбек халқининг ҳар бир фуқароси учун қимматли ва фойдали манба бўлиб хизмат қилади, деган мақсадда яратилди. Унда бевоқиф партияимизнинг муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида тўплаган амалий тажрибалари, бу борада олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари ҳамда хорижий тажриба кенг таҳлил этилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда муқобил энергетика ва унинг истиқболлари чуқур таҳлил этилган ўзбек тилидаги нашрлар жуда кам топилади. Айни шу жиҳатдан ушбу янги китоб фойдаланувчилар учун амалий қўлланма вазифасини ўташ баробарида, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг республикамизда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга доир амалий саъй-ҳаракатларини намоён этади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қўлланма ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз



2014 йил 29 июлда «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги «МИКРОКРЕДИТБАНК» акциядорлик тижорат банкининг халқаро кредит рейтингини «БАРҚАРОР» деб тасдиқлади

Хизматлар лицензияланган

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамолатимизда тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда синов ва сертификатлаштириш марказлари томонидан маҳсулотларга стандартлар ишлаб чиқиш, уларнинг синовларини ўтказиш ва мувофиқлик сертификатлари бериш борасида амалий ишлар олиб бориламоқда.

Сиз online режимда ишлайдиган www.standart.uz ва www.rssm.uz сайтлари ёки (8-371) 150-23-00 рақамли "Ишонч телефони" орқали мурожаат қилиб, корхонангизда тайёрланаётган маҳсулотларга стандартлар ишлаб чиқиш, уларнинг синовларини ўтказиш ва сертификатлаштириш, шунингдек, импорт товарлар учун мувофиқлик сертификати олиш юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволлар ва ташвишга солаётган айрим муаммолар ҳусусида марказимизнинг малакали мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Биз Сизнинг хизматингиздамыз, азиз тадбиркорлар!

"Ўзстандарт" агентлиги

Хизматлар лицензияланган

ADOLAT

иқтисодий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наринмон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамом РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамазир ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қоидир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Асияшер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қаҳрамон Қўлдошев Навбатчи — Ғуломжон ХИДИРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

ISSN 2091-5217

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмаханасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 800. Авад — 5928

Босишга топириш вақти — 20.25 Босишга топирилади — 23.00

1 2 3 4 5

Баҳорчи келишган нарҳда